


Турғуной  
АББОС

10 25886  
0

Носир  
АББОС

# КҮШ ИРМОҚ КҮШИҚЛАРИ



2000 A-3240

Турғуной АББОС  
Носир АББОС

**ҚҰШ  
ИРМОҚ  
ҚҰШИҚЛАРИ**

**(Шеърлар)**

“Наманган”  
нашриети



Ушбу китоб муаллифлари бир оиланинг фарзандлари.

Тургуной АББОС (Тургуной Дехқонова) 1956 йилда туғилган. Наманган Давлат педагогика институтининг ўзбек филологияси факультетини тамомлаган. Чортоқ туманининг Мучум қишлоғида яшайди. Чортоқ шаҳридаги вилоят иқтидорли болалар мактаб-лицейида ўзбек тили ва адабиёти фани ўқитувчиси. Шеърлари матбуотда мунтазам эълон қилинади.

Носир АББОС (Носиржон Дехқонов) 1963 йилда туғилган. Чортоқ туманидаги 45-урта мактабда ўқитувчилик қилган. Машраб номидаги мукофот соҳиби. Айни вақтда "Халқ иродаси" вилоят газетасида бош муҳаррир ўринбосари вазифасида хизмат қилмоқда. Ўзбекистон журналистлар уюшмасининг аъзоси.

118-289,25-383-650

НГ \_\_\_\_\_ 2000 йил.

119 -1,5-(05)-00

© Т. Аббос, Н. Аббос, "Наманган" нашриёти.

2000

A

O'zb. Respublikasi  
3240

10 25886

## МУҲАРРИРДАН

Тилимиз сўзларнинг бўёғи, ишлатилиш ўрни нуқтаи назари билан ҳам бошқа халқлар тилидан ажралиб туради. Бу фарк сўзларнинг синонимларидан фойдаланишда, айниқса сезиларли. Шеър санъати эса худди шу талаб билан ҳам шоир зиммасига ўзгача масъулият юклайди.

Назаримда Турғуной ҳам, Носиржон ҳам худди шу масъулиятни англаган ҳолда ўз туйғуларини шеърга солишган. Бу ҳол Турғунойнинг биргина тилайин сўзини "тилоийн" тарзида - оҳангдорроқ айтганида кўринса, Носиржоннинг

*Токи шоирлик қисмат, етакларкан имонга,  
Сўз гавҳаридан ўт оч, ақалли бир армонга*

дейишида пайқалади.

Ҳадиси шарифда ҳам "Сўзда сеҳр, шеърда эса ҳикмат бор" дейилган. Китобдаги шеърлар сўзни ўз оҳори билан кўлланиши, самимияти ила эътиборни тортади.

Мен бир оиланинг фарзанди бўлган бу икки қаламкашни қайнаб-тошиб, шеърятнинг дарё-дарё оқимлари сари йўл олган ирмоқларга ўхшатдим.

"Кўш ирмоқ" дан таралган кўшиқларни тинглаб, бунга ишонч ҳосил қиласиз, азиз китобхон!

Э. Нурматов.

БОШИМДАГИ КУМУШ ПАТЛИ  
КАПТАРИМ

---

ТИЛАК

Тилойин эл омонлигин  
саҳарги хуш ҳаволардан,  
Олойин ўтли сатримни  
дилоромий наволардан.  
Теройин Моҳларойимдек  
момолар гулшанидан гул,  
Яшаш шавқини дилга  
солгувчи қутлуғ садолардан.  
Ташнаи зорлар вафога  
бўлсин мард инсона ҳамроҳ,  
Саодат гунчасин очсин  
Жами хурлик қаболардан.  
Лола янглиғ уёлсинлар  
фанимлар тегра турфамда,  
Асрагайдир худо Холиқ  
пок ниятни балолардан.  
Шукуҳ шулки, чаман боғлар  
эрур юртим улуғ даргоҳ,  
Ривож топсин омонликда  
муносиб муддаолардан.  
Ёниб куйлайдур Турғуной  
буюк элга тилаб шодлик,  
Шакарғуфторли дўст-ёрим  
раво кўрган сафолардан.

Қадим юртим, чўнг қудратингда,  
 Тўқсон олти уруғ шашти бор.  
 Оламаро шон-шуҳратингда,  
 Буюк элнинг азим аҳди бор.

Меҳринг сози янграр қўлимда,  
 Нону тузинг ҳаққи куйларман.  
 Меҳру ишқинг мудом дилимда,  
 Парвозингга оқ йўл тиларман.

Юртини деб жон таслим қилган,  
 Боболару момолар ҳаққи.  
 Азиз номинг улуғвор билган,  
 Асл фозил донолар ҳаққи.

Бугун озод, ҳур қизинг бўлиб,  
 Бисмиллоҳ деб қўшиқ бошладим.  
 Эрк баҳридан юрагим тўлиб,  
 Мадҳияннга шеър бағишладим.

Ўзбекистон - саждагоҳ, каъбам,  
 Маккаю мукаррам, хазинам.

## ОНАГИНАМ

Бошимдаги кумуш патли каптарим,  
Мунисгинам, заҳматкашим, камтарим.  
Поклик рамзи сочингизнинг оқидан  
Андозалар олмиш боғда настарин.

Пок ниятдан қанот боғлаб учирган,  
Буюк меъмор, уста наққош чеварим.  
Дилгинамга меҳри завқ-шавқ кўчирган  
Улуғлардан улуғворроқ чечаним.

Тандир тўла кулча, ўчоқбоши... сут,  
Рўзгоримнинг бекамлиги, посбоним.  
Сиз билан ҳар не танқислик бўлар бут,  
Умр карвонимга зиё-сарбоним.

Вақт югурик юмушлар талошида,  
Соғинганда ортиб боролмасам ҳам.  
Сиз келасиз қўлингизда тугунча,  
Қавиқ игна, ангишвона-бари жам.

Байрамларда қизим келиб қолар деб  
Йўл қарайман, шунда англайман сизни.  
Она зоти ўтар экан болам, деб,  
Маъзур тутинг, онажон, қизингизни.

Бошимдаги кумуш патли каптарим...



## КҮНГЛИМ

Ҳамиша ҳар не кунимга ярайдиган,  
Эринмасдан йўғим-борим сўрайдиган,  
Йўл кўрсатиб, кунда юз бор тергайдиган,  
Оҳ, кўнглим-а, дўст топмадим сандин бўлак.

Не деб атай? Қиблагоҳим отаммисан,  
Жисмидан жон ато этган онаммисан.  
Ичдан тушган ич оғриғим боламмисан,  
Оҳ, кўнглим-а, дўст топмадим сандин бўлак.

Қаро ерсан, поёни йўқ осмон ўзинг,  
Умрим бино-кечмишлардан ҳайрон ўзинг,  
Агар ёзсам минг бир китоб-достон ўзинг,  
Оҳ, кўнглим-а, дўст топмадим сандин бўлак.

Даҳри дунда жонга оққан наҳримиз бир,  
Ёронларга меҳримиз бир, қаҳримиз бир.  
Қазо етса борар манзил-қабримиз бир,  
Оҳ, кўнглим-а, дўст топмадим сандин бўлак.

## САНДАЛИМ

(Бадиха)

Қадрдоним, бағри чўғли сандалим,  
Толган илигимга дармон берурсан.  
Кўнглим яйрар, завқим мисли андалиб,  
Баҳри байтларимга гувоҳ эурсан.

Сан билан даъф қишнинг совуқ озори,  
Бетоб бўлсам изламасман ҳеч дори.  
Тутса гуп-гуп исириқнинг хумори,  
Айтгум қўшиқ – “хазорисмон хазори...”

Момолардан азмон нишон сандалим,  
Ҳар не эзгу оқ ниятга йўлдошсан.  
Рўзгоримнинг аввалбоши-гултожи,  
Дилбандларим камолида қўлдошсан.

Қадрдоним, бағри чўгли сандалим.

## СОДДАЛИГИМ

Соддалигим курсин менинг соддалигим,  
Кимларга ўқ, кимларгадир нишон бўлди.  
Одми, тўпори-ю ҳам безардалигим,  
Хилогарнинг тилидаги камон бўлди.

Мискинлигим билмаганлар шу феълимдан,  
Иплар эшиб теграм узра тўрлар солди.  
Ҳақ сўзимни тан олмаган не бир ғаним,  
Гарчанд маъно топганида дилтанг қолди.

Соддалигим курсин менинг соддалигим,  
Кимга армон, яна кимга дoston бўлди.  
Ҳиёл эрка, кулгусевар, “гапдон” лигим  
Ёмонгина ғанимларга имкон бўлди.

Асли юрагимда йўқдир зарра губор,  
Ҳолбуки Инсонман мен ҳам, керагим бор.  
Номим кимга яхши, кимга ёмон бўлди!  
Кулиб енгсам куйган ёрлар аён бўлди!

Соддалигим, бор бўлгиней соддалигим.

Созим, янгра яна қўлимда,  
Паноҳ бўл-ей ўзинг муҳаббат.  
Рақибларим чиқмиш йўлимга,  
Эргашмоқда ўткинчи ғийбат.

Қанча заҳмат олдимда ҳали,  
Адо этгум етганча фурсат.  
Менга йўлдош бардош тамали,  
Умр-сувдир. Юрак-омонат!

Келди баҳор кўркам боғларга,  
Кетмонланган келмагай фақат.  
Қочиб қолди қиш ҳам тоғларга,  
Ошкор бўлди недур оқибат.

Кундуз яна офтоб-ла масрур,  
Ҳаёт борки яшар диёнат.  
Шундан инсон кўзларида нур,  
Дилда шукур, имон саломат.

Созим яна сайра қўлимда,  
Эргашмоқда ҳавойи шуҳрат.  
Дўсту ганим ўнгу сўлимда,  
Меҳмонмиз бу дунёга фақат.

Ҳар кеч ишдан ҳорғин, абгор қайтганда,  
Кун ташвишларидан безор бўламан.  
Қорачугум қизишин ҳис этганда,  
Аросатман, лек барибир онаман.

Ҳайратнинг рангини кўргум келади,  
Қувонч ранги бинафшлар тусида.  
Ун борича би-ир бўзлагум келади,  
Эртакчи момолар болам тушида.

Эрта билан ўртамизда узун тун,  
Хотиримнинг қай буржида пок туйғу.  
Умид ришталарим нимталаб бутун  
О, сабр ҳалвомас, мисоли оғу!

Эриб-томиб минг тархимдан, ҳис этиб,  
Қайсар, саркаш сатрларга айлангум.  
Ногоҳ юрак деворига урилиб,  
Потирлаган чўғ шеърларга бойлангум!

Бир кун бу ранж албат ортда қолади,  
Меҳр кам кўргазаётгандай гўё.  
Оқибат нелигин билиб олади,  
Хаққа айланади ўшанда рўё!

Наҳот мен саодат таъмини туйдим,  
На аёл, на эркак бемор бир хаста.  
Шеър қошига мук тушганча меҳр излаб  
Ўз-ўзимни таний бошлайман аста.

\*\*\*

Қайтар дунё қайтса ортига  
Дилбандингдан эзгулик қайтсин.  
Кайвонийлар ёшлар ортидан  
Омад тилаб дуолар айтсин.

Қайтар дунё қайтса ортига  
Қўлимизга тутқазса асо.  
Фарзандимиз бўлсин меҳрибон,  
Би-ир ўтинчим ўзингдан Худо.

Белдан қувват кетса, кўздан нур,  
Ажал остонада жилмайса.  
Поёнига етса тафаккур,  
Яхши эди, деган ном қолса.

Қайтар дунё қайтса ортига  
Заҳматимиз бўлсин поендоз.  
Боламиз ҳам ҳалоллик туғин,  
Ориятни билсин зардан соз!

Қайтар дунё қайтса ортига...

## НАБИРАМГА

(Мувашшах)

Дилгинамнинг шукуҳ садоси,  
Ҳаётимнинг субҳу сабоси.  
Ўзим бийрон тилинг гадоси,  
Яшнагувчим, чаман бўстоним,  
Нур ёғилган тиниқ осмоним.

Икки уйнинг маржон шодаси,  
Тўнғичимнинг норасидаси.  
Хўп эркалар катта адаси,  
Яшнагувчим чаман бўстоним,  
Камол топгил, нурли жаҳоним.

Лутфи соҳир феъли ҳушгинам,  
Бошимдаги давлат қушгинам,  
Қувончим, сеҳрли тушгинам  
Яшнагувчим, чаман бўстоним,  
Камол топгил, нурли жаҳоним.

Шалолодайд жўшқин, бегубор,  
Мунча уста Худойим меъмор.  
Бахтимизга бўлмагил бемор  
Яшнагувчим, чаман бўстоним,  
Камол топгил, тиниқ осмоним.

Отабекка бахт, умр берган,  
Нигораой қуёшим деган.  
Сен-ла орзу чечагин терган,  
Тиниқ чашмам, орзу-уммоним,  
Келажакка етган имконим.

Дарз кетмасин, бут бўлсин имон,  
Унгин-ўсгин ҳақиқий Инсон.  
Завол кўрма, омон бўл, омон  
Орзумдаги боғим-гулзорим,  
Сен борсанки ҳаёт бозорим.

Аллам надур, жон бўлсин нисор,  
Қўшиқ битай тунлари бедор.  
Ёрингга бўл суюкли дилдор,  
Кўзимга нур, белга мадорим,  
Ойдин йўлга бошла карвоним!

## БОБУР

(“Юлдузли тунлар” асарини ўқиб...)

Кеч куз. Агра. Юлдузли тунда  
Чўғдай ёниб Бобур сўзлайди.  
Лашкарбоши сўнги лаҳза ҳам  
Анжон боғларини кўзлайди.

Кўзда ёши Моҳимбибининг  
Рози-ризо сўрар аёнлар.  
Тахт вориси Хумоюнхонни  
Изат этар беку султонлар.

Тун яримдан оққан чоғида  
Осмондан қулади бир юлдуз.  
Тоҳирбекнинг аччиқ оҳидан  
Зир қақшади гиёҳу илдиз.

Ҳайҳот, истамамдур ҳеч буни,  
Мотам тугди шу бир дақиқа.  
Ажал бўғди гирибонини,  
Оҳ, шафқатсиз қотил-ҳақиқат!

Умри ўтди жанг-суронларда,  
Ёнди она юртнинг дардида.  
Илтижола Қуръонларида  
Ёзди ашъор гулнинг баргига:

"Толе йўқи жонимга балолиғ бўлди,  
Ҳар ишники айладим хатолиғ бўлди.  
Ўз ерни қўйиб Ҳинд сори юзландим,  
Ё раб, нетайин бу не юз қаролиғ бўлди."

Кузак. Агра. Юлдузли тунлар,  
Юрт дарди-ла Бобур бўзлайди.  
Шоҳ ва олим сўнги нафас ҳам  
Анжон боғларини эслайди.



## КЕЛИНЧАК

Тонг чоғи ҳовлилар чиннидай тоза,  
Гуллар ол юзингдан олмиш андоза.  
Рўзгорингга меҳринг бўлсин зиёда,  
Эл олқишин олгин сулув келинчак.

Тандир-тандир нонлар ёпгин бир зумда,  
Каклик қошда ўсма, кўзингда сурма.  
Ҳаёт йўлинг тиниқ бўлсин кўзгудай,  
Эпчил, чаққон, зукко бўлгин келинчак.

Кексаларни эъзозласанг сен доим,  
Ёрни меҳр билан кутиб мулойим  
Қўша бешик насиб этсин худойим,  
Мудом бағринг бутун бўлсин келинчак.

Шўх-шўх кулиб гулдай очилиб юрсанг,  
Яхшини ошириб, ёмонни кўмсанг,  
Умр сўқмоғида мардона бўлсанг,  
Кўкда ой ҳам ҳавас қилар келинчак.

Алладай қўшиқнинг энг созин битгил,  
Неки либос бўлса энг бозин тиккин.  
Момолар руҳини мудом ёд этгил,  
Юртга манзур бўлгил маъсум келинчак.

## “СЎНГГИ ҚЎНҒИРОҚ” ДАГИ ШЕЪР

Етмиш икки томиримни куйдириб келар бир ўт,  
Етмиш икки томиримни ийдириб келар бир ўт,  
Орзубанди юрагимда қоришиқ армон, илинж,  
Улкан ҳаёт йўлларида довонлардан мағрур ўт  
Қўлгинангга топширилган юрт эртаси бўлсин тинч.

Ўғил-қиз шогирдларим сир-аъмолингдан ўргулай,  
Турфа феъл чуғурчиқларим камолингдан айланай.

Донишмандлар дерлар мудом елкангдаги фаришта,  
Фаришталар ҳамроҳ бўлсин хоҳ ўқишда, хоҳ ишда.  
Туркий тилинг, Ислом дининг меҳру сеҳрин дилга туг,  
Элнинг шону гурурини авайлаб-асра тишда.

Кўнгул боғим қушлари-ей камолингдан ўргулай,  
Турфа феъл сандавучларим аъмолингдан айланай.

Букун офтоб ҳаяжонинг тафти билан ёндираб,  
Меҳрим ошиб, куйиб кетди сиздан гина-ранжларим.  
Сўнг қўнғироқ садолари эзгуликка йўлланма,  
Фақат омад кулиб боқсин менинг дил юпанчларим.

Ўғил-қиз шогирдларим, сир-аъмолингдан ўргулай,  
Турфа феъл чуғурчуқларим, камолингдан айланай.

Само гард-губорсиз артилган шиша,  
 Бодом шохларида ниш урар куртак.  
 Тушган рўмолини қиялаб аста,  
 Ҳадикли нигоҳин тўсар келинчак.

Қизлар қошидаги ўсма, толбаргак,  
 Ҳушбўй ялпиз сомса-кўкатлар иси.  
 Сумалак, Кайвони момо, гап - гаштак,  
 Аллоҳ берган бор неъматлар жамисин.

Андалиб чаҳ-чаҳлар ўнгу сўлимда,  
 Шукуҳдан роз айтар чирманда-ю соз.  
 Ишқу муҳаббатим тортиқ йўлингга,  
 Ҳуш кел, Навбаҳорим, ёзай поёндоз!

## ДУО

Ўғлим, тингла, қароқларим нам бўлмас,  
 Кўзима дунё тор, бошим хам бўлмас,  
 Синглинг Қалдирғочойимдан кам бўлмас,  
 Айтган дуоларим ёдингда бўлса.

Руҳингга куч берсин Қуръон ояти,  
 Севишдан чекинма юртни, ҳаётни,  
 Энг қиммат ганжим деб бил ориятни,  
 Парво қилма, номард устингдан кулса.

Илло омон бўлсин қалбингда имон,  
 Камолинг тиладим ҳар шом, ҳар азон,  
 Фақат ҳалолликда кун кўрсанг ишон,  
 Онанг мангу яшар ҳатто жон ўлса.

Кўнгул берган мардингда  
     шаҳду жасорат бўлсин,  
 Ишқу вафода танҳо  
     ҳаргиз садоқат бўлсин.  
 Рашки қелсин қаддига  
     Фарҳоду Қайсининг ҳам,  
 Сўз айтса гар неданки  
     имон-диёнат бўлсин.

Умр ўзи бир тутам  
     шундоғ ёр билан ўтгин,  
 Наинки кун-тунларинг,  
     лаҳзанг фароғат бўлсин.  
 Бори эл ул жуфтингга  
     илло ҳавас-ла боқсин,  
 Беш кунлик дунё саҳни  
     сайру саёҳат бўлсин.

Тегрангда дўст ҳамдаминг  
     хуш такаллумлар этса,  
 Субҳу содиқ Аллоҳга  
     шукру ибодат бўлсин.  
 Поклик кўнгулга қувват  
     чексиз меҳру мурувват,  
 Токим аҳли аёлда  
     шарму малоҳат бўлсин.

## ИСТАК

Аллоҳ, маъюс дамни мендан ол,  
Кайфиятсиз турсам у менмас.  
Яратганим, менга бергил йўл,  
Истакларим бажо қилсанг бас!

Вазминликни бошқага улаш,  
Жиддийлигу сиполик қурсин.  
Яшарканман феълимда дилкаш-  
Шўҳ ҳазиллар ҳамроҳим бўлсин.

Казо-казо дўстларим йўқдир,  
Гарчанд улар одми, меҳрибон.  
Онам, болам қуёшимга тенг,  
Ўшаларни асрагин омон.

Холиқ эгам, олма феълимдан  
Атиргулнинг ифорларини.  
Чертаверай мен асло толмай,  
Ёш кўнгиллар дуторларини.

Ловуллаган шу феълим боис  
Гулга тўлдир манзилларимни.  
Бир кун кетсам дўстлар соғинсин  
Дилкаш, шўҳчан ҳазилларимни.

Аллоҳ маъюс дамни мендан ол...

Носир АББОС

## СИЗ МЕНГА ҒАНИМАТСИЗ

\*\*\*

Шеъриятнинг йўлига қачон кирдим, билмадим,  
Бу тиконли чопонни қачон кийдим, билмадим.  
Осойишта бир четда ўз-ўзимча минғирлаб,  
Безабон майсаларга шеър ўқирдим шивирлаб.  
Кириб бу майдон ичра қолдим шумтираб, тажанг,  
Ўйладим қандай қочсам. Беаёв экан бу жанг.  
Илож йўқ эди, ишқим - тирикликни кўриш бор,  
Бир дунёга келиш бор, бир кун битта ўлиш бор.  
Шеър майдони беаёв, бошга тушса-чи болға,  
Кўнгил, нозикликни қўй, шерлар жангига олға.  
Токи шоирлик қисмат, етакларкан имонга,  
СЎЗ гавҳаридан ЎТ оч, ақалли бир АРМОНга.

Юрагимда бир исён яшар,  
 Бу исёнда минг имкон яшар.  
 Шу исёнда бўлолсам ғолиб,  
 Бахт тонгига етгудай башар.  
 Исён,  
 Нафсга қилич кўтарган  
 Бошин эгиб одамийликка.  
 Гаров қўйиб ҳатто жону тан,  
 Азоб сари бормоқлик тикка.  
 Мен биламан, олам келар тор,  
 Сизнинг ҳам хос тилагингизга.  
 Фақат айтинг, бир саволим бор,  
 Исён борми, юрагингизда?!  
 Эвоҳ, юрак деб парча гўштни,  
 Имонини бозор этган ким?  
 Падарига ўқталиб муштни,  
 Она элга озор этган ким?!  
 Ҳаловат йўқ савол-сабримда,  
 Бу оғриқдан жоним қақшайди.  
 Ориятим ғолиб шахдимда,  
 Озод ЎЗБЕКИСТОН яшайди.  
 Ўзбекистон - мунис калимам,  
 Истиқлол ҳур айёмларимдир.  
 Шеър, деб ёзган машқларим ҳам  
 ЮРАҚдаги ИСЁНларимдир!..

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Азон янграб, пок ниятга  
Тўлди нурли саҳарларинг.  
Мустақил юрт зиёратгоҳ  
Бўлди азим шаҳарларинг.  
Бобосидай жаҳонгашта  
Бўлар қанду шакарларинг,  
Ўзбекистоним-олтин Бешигим,  
Хур гулистоним-шеъру қўшигим.

Мадҳинг янграр онажоним аллаларида,  
Ризқим тўкин "оқ олтин"у ғаллаларингда,  
Малҳам бўлай етмиш йиллик яраларингга,  
Ўзбекистоним-олтин Бешигим,  
Хур гулистоним-шеъру қўшигим.

Аҳд айладик ушбу кун  
Боболарнинг армонин,  
Олам аро ёйгаймиз  
Қадим юрт қудрат-шонинг.  
Имон ёр элдошларим  
Тилагимга денг омин,  
Олтин Бешигим Ўзбекистоним,  
Шеъру қўшигим - хур гулистоним.



## ОНАМГА

Бу ғанимат дунёга,  
Сиздан битта ҳимматман.  
Кимгадир балки хорман,  
Сизга ганждан қимматман.  
Сиз билан шоҳу сувор,  
Сизсиз умри гурбатман.  
Бошимга тож-зийнатсиз,  
Сиз менга ғаниматсиз.

Оғриқ оёқларингиз,  
Онам, бошим устига.  
Меҳрингиз нарвон бўлгай,  
Муҳаббатнинг кўшига.  
Кўксимни тутиб ўтай.  
Адолатнинг муштига.  
Меҳри энг беминнатсиз,  
Сиз менга ғаниматсиз.

Афтода замонларда,  
Руҳимга ҳаловат Сиз.  
Асабий армонларда  
Энг собит қаноат Сиз.  
Менинг хўрсиниқ кезган,  
Мулкимда маҳобат СИЗ.  
Сиз менга ғаниматсиз,  
Сиз менга ғаниматсиз.

## АНВАРХОН МОМОНИНГ ДЕГАНЛАРИ

Тошкентда рўй берган февраль воқеалари мамлакатимизнинг энг чекка қишлоқларида ҳам ҳали-ҳануз одамлар тилида. Қўйлар сўйилиб, дошқозонлар ўрнатилиб, дастурхонлар ёзилаётган ҳолда неча-неча хонадонларда тўйлар тўхтаб қолди. Тўй сигради одамлар кўнглига, ўша кунларда. Жумладан Чортоқда ҳам.

Чортоқнинг Байналминал даҳасидан ҳам бир қатор адашган ёшлар аниқланди. Шу ҳудудда истиқомат қилувчи 91 ёшли момо Анвархон Йўлдошеванинг февраль воқеаларидан кейин ҳар кўришганимизда тайинлайдиган гаплари шу: -Шоир болам, ўз отасига қўл кўтарган падарлаънатилар биз оналарни огринтирди. Танисак ҳам, танимасак ҳам, билибми, билмайми, хато йўлга кирганларнинг номи - бола, бизнинг номимиз она...

Умрим аламларда эланди доим,  
Тилимдан тушмади шукуҳ, дуойим,  
Тилагим ижобат қилди худойим,  
Элни озод кўрдим, ҳур маконима,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Тўқсон йиллик кечмиш-умрим табаррук,  
Энди мағзим тўлмас, бўлмасман ўрик,  
Қарғиш олмас тилим, эканман тирик, -  
Дегандим, онтимни бузди, орима,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Февралда ўқ узган ким, чиқди тайни,  
У таълимин олган қай бир отани,

Ахир, бегонаси борми болани?!  
Аламларда ўйиб қолдим ёнима,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Боши тошдан бўл, деб асраган болам,  
Тош бўлиб кўксимга ўқ отса алам,  
Ер муштлаб қарғамоқ бўлди-ку чорам,  
Оғриқларда қолди ширин жонима,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Наҳот, бек боласи қулга юкинса,  
Ватанфурушларга чўкса, чўқинса,  
“Наманганлик” деган рўйхат ўқилса,  
Қоним қаро бўлди, куйди шонима,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Минг дод, томиримиз қондан тонибди,  
Алдаб қай бир каслар йўлга солибди,  
Динимизни ниқоб қилиб олибди,  
Жисмимдан чиқса ҳам оғрир жонима,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Аллоҳим таълими: кечирмоқ - зийнат,  
Юртбошим юракка туғ қилган ҳикмат,  
Яна кўнглим юмшаб, этдим фазилат,  
Оҳ, менинг бағри кенг, хуш забонима,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Халқ дуоси қўллар, қўллагувчидир,  
Қарғиши заволга йўллагувчидир,  
Истиқлол заволсиз гуллагувчидир,  
Доғ теккан номусим, пок имоним,  
Отингдан ўргилай Намангонима.

Кечирдим ашки хор бу қон кечувда,  
Не дейин, тавбада онтлар ичувга,  
Ўзинг мадад бергил бу ҳол ечувга,  
Лутфи соҳир Машраб, оҳ Усмонима,  
Отингдан ўргилай Намангонима . . . !

## СОҒИНЧ

Кўзимда боладай жавдираган ҳис;  
Қорачиқларимда чақнаган илинж.  
Девона ҳолимда дардманд ва мунис,  
Юрак тўлғоғимда кўз ёрган соғинч.

Қобирғам қайишиб борар юкидан,  
Бу олам уйига асли меҳр синч.  
Бу кеч мавжудотнинг ҳар бир тукидан,  
Ҳижокалаб ўқилар энг гўзал соғинч.

Қийшиқ қобирғамда уйғонган хаёл,  
Осмоннинг тиргаги ўзингсан энг тинч.  
Сен меҳр, гўзаллик, қудратсан аёл -  
Кўксимда чирсиллаб турган ишқ - СОҒИНЧ.

## ОТАМ

Менинг кўнглим лаби учган пиёладек,  
Синиқлари ҳеч чегалаб бўлмайдиган.  
Йўқ, отамнинг ўлганига эмас оҳим,  
Одам борми, ахир, жисман ўлмайдиган.

Ватан учун жанггоҳларда қонлар кечган,  
Эл тан олган ҳалол, дилкаш инсон эди.  
Эътиқоди имонимда қонга кўчган,  
Бу дунёда энг ҳоксор бир жон эди.

Саксонинчи йиллар лавҳи кечмишимдан,  
Энг ғамбода, минг балолиғ давр бўлди.  
Тош отмасман, юз бурмасман ўтмишимдан,  
Суянганим сабр, сабр-жабр бўлди.

Муҳосиблик қилиб қирқ йил қурилишда,  
Элдан ҳалол, деган баҳо олган одам.  
Ноҳақликка исён, деган кўринишда,  
Қурбонлардан бири бўлди менинг дадам.

Нафси қушдай қанот қоққан ишратпараст,  
Бир даюснинг ҳийлалари бошин еди.  
Данғиллама уйлар солиб, мошин олиб,  
Бир мўминнинг яшалмаган ёшин еди.

Бу ҳисобли дунё экан, у даюснинг,  
Ўғли ўғри-қувончига пайкон бўлди.  
Ўзи эса жазманига товон тўлаб,  
Эл ичида мазаҳ бўлди, дoston бўлди.

Балки Сизга бу шеъримнинг малоли бор,  
Дерсиз, аламзада экан, урибди лоф.  
Шўро даври ўтди сирни этмай ошкор,  
Тилагим шу: "қотил"га ҳам берсин инсоф!

\*\*\*

Зохидохон Кенжаевага

Атиргулнинг ифорини таратиб,  
атлас куйлак кийиб ўтаверсалар,  
Кўрган кўзлар завқидан дил яйратиб,  
ишқдан меҳри ийиб ўтаверсалар.

Сочларининг ярашган чамбарига  
қалб қуши ин қўйиб ўтаверсалар,  
Пайдо бўлиб Наманганда Машраблар  
ҳам ўртаниб, куйиб ўтаверсалар.

Кечдим, дебон сенсиз бани лаззатдан  
Раҳми Қосим суйиб ўтаверсалар.  
На парводир ҳув хипча бел хонимлар  
Сочни бўяб, қийиб ўтаверсалар.

Қисм этини қоралаган қийқимлар  
ўз жонидан тўйиб ўтаверсалар.  
Носирей, не иложинг бор ишқингни  
бир ҳазилга йўйиб ўтаверсалар.

Атлас куйлак кийиб ўтаверсалар...

# МУЮЛИШДАГИ БОЛА

(Туркум)

## I.

Толкўча,  
далага туташ тупроқ йўл,  
Учайрилиш,  
Шомд биз қўрқар хатар.  
Ариқ  
Бир тўп бола эгни-боши хўл,  
Бирида кучугу бирида каптар.  
“Толмазор” ортидан бошланган дала,  
Самолёт қўнгудай пайкал, ўқариқ.  
Яшил тус томчига юз тутган бола,  
Қувончни юлқиган юқумли “сарик”.  
Намозгар, сув сепиш, кўча супуриш,  
Тўтихон холанинг эшигигача.  
Бизники то сада ўсган муюлиш,  
Ҳожикўзи ова эшагигача.  
Собир “кино ёзиш” учун кетади,  
Топилган пописис қолдиғи талаш.  
Кун ботишин уйдан чиқмай кутади,  
Муҳаррамдан қўрқиб, Маъсуда, Минаш.  
Бобошнинг отаси оламдан ўтди,  
Катталардан кўра бизда кўп аза.  
Ўринбой ғўрадан еди, унутди,  
У боя айтганди тутганин рўза.  
Хотирда гувранган соғинч, завқу ранж,  
Дилда илдиз ёрган орзулар бари.  
Иқрорим шу эди дунёга пайванд,  
Мен-чун Ватаннинг илк манзаралари.

## II.

Бўлонда ёмғирлар гул бўлиб ёғар,  
Бўтана сувларга чўмилар ялпиз.  
Ёмғирдан сўнг кунга жим тутиб соғар,  
Парғама новдалар ёради илдиз.

Тошбуви чорлайди Кумри холани  
-Кимёбу совчига оқлик берибди.  
Нози гўзал қилар ҳар қизболани,  
"Ўқийман" дерди қиз, тузук кўнибди.

Палаклар тах ёзар яшнаб жилвагар,  
Кор келар қўшнилари хунари ҳам хўп.  
Ивитиб, устунга танғиб боғланар,  
Кун бўйи тинмаган тўрт жуфт савачўп.

Табиатга баҳор, умрга тўй зеб,  
Қуш ҳам қанот қоқар, битиб кетар кам.  
Тўй бу сеҳрли сўз. Сеҳри-"Тўйга" деб,  
Гапириб юборган соқов Дедаш ҳам.

Баридан ўтади қўшни ҳовлидан,  
Олиб чиқилганда ўраб келин қиз.  
Бир четда турволиб эркак бўлсанг ҳам,  
"Ёр-ёр"га эзилиб йиғлашинг унсиз.

Бўлонда ёмғирлар гул бўлиб ёғар,  
Кункай қирғоқларда шеър ўқир ялпиз.  
Бир тола нур бўлиб хаёлим безар,  
Кўнглимда соғинчлар ёради илдиз.



### III.

Ёмғирнинг жаласиман,  
Адирнинг лоласиман.  
Исми орзу аталган,  
Армоннинг боласиман...

\*

Кўнглим кўчасининг муюлишидан,  
Бир бола мўлтайиб бўйлайверади.  
Кўлида наъматак шохи, сертикан,  
Соғинч деган кўшиқ куйлайверади.

Кўрганда ёмғирдай бир ёгиламан,  
Эски том-гиламдай лолалигимни.  
Ёмғирли кунларда кўп соғинаман,  
Муюлишда қолган болалигимни...

### ҲИКМАТ

Меҳнат қаритмайди отани,  
Меҳнат хоритмайди онани.  
Одамлиги берганида панд,  
Қаритади ноқобил фарзанд.

Ҳикмат таъсирида ўйладим узоқ,  
Ота, мулзам қилди мени шу сўроқ:  
Бир бор ташвишингиз аритдимми, мен,  
Сизни билиб-билмай қаритдимми, мен?

Бу ҳикмат, уйғотсин элни, боламни,  
Меҳнат қаритмайди ... одамни!

## РАФИҚАМГА

(Чин во ҳазил)

Мендан воз кечолмас, кетолмайди у,  
Эй, гўзал, мен фақат сени ўйлайман.  
Сени ўйлаб, тунлар чекаман ёҳу,  
Ҳусну малоҳатинг айтиб куйлайман...  
Бу каби шеърларим кўп бисотимда  
Мен уни атадим кимларга,  
Кимга?!  
Гарчанд сенга ҳеч шеър бағишламадим,  
Бироқ, бутун умрим баҳшида сенга.  
Шеърда севганларим барчаси ёлғон,  
Шеъримдан санама суйганларимни.  
Сени бой-бадавлат этмоғим армон,  
Бошқаси бекордир куйганларимни.  
Бекордир , аслида ўзингдан бошқа  
Инжиқликларимга ҳеч ким кўнолмас.  
Майли, қасам айтай қараб қуёшга,  
Ҳеч ким мени сендай бахтли қилолмас.  
Мунгни тўк феруза нигоҳларингдан,  
Чўкма, қошларингга ўсма қўйиб ол.  
Тандир куясин арт ёноқларингдан,  
Сенга ярашади, гулдор оқ рўмол.  
Шеъримга ишонма, газетга чиқса,  
Сенга келтираман гонорарини.  
Ёки сабр қилиб турсак, гар етса,  
Супурги олармиз йиғиб барини.  
Ҳали биз ҳам бойиб кетамиз тайин,  
Кўксингни баланд тут, қошинг кериб юр.  
Мен шеърни газетга бериб келайин,  
Сен менга ... йўлкира ... бериб тур.

## ОРЗУГА АЙБ ЙҮҚ

Агар қизим бўлганида ўсма экиб берардим,  
Аммасидай қоши ҳилол, кўзи фаттон бўларди.  
Кўкка чиқиб юлдузлардан маржон териб келардим,  
Балки ул дам кундай порлаб, хандон отиб куларди.

Кокилларини соллатиб кўзмунчоқ шодасидан,  
Бек инилари ичида эрка бўлиб юрарди.  
Моҳларойим, Анбаротин тирилиб нафасидан,  
Бувисининг игнасига ип ўтказиб берарди.

Агар қизим бўлганида онасига куйманчи,  
Куйлакликдан ортган матоҳ қуроқ ёстик бўлмасди.  
Овознигор йўқлигида ўзи бўлиб ўланчи,  
Менинг армонли дилимни эзилишга қўймасди.

Агар қизим бўлганида ўсма экиб берардим...

## НАСИБАГА АЙТГАНЛАРИМ

Гўзалсан, ҳаммадан гўзал ўзингсан,  
“Қаро кўзим” деган ғазал ўзингсан,  
Тили шакар, сўзи асал ўзингсан,  
Сени қизғонишга ҳаққим борми, айт?

Сен бир гул, дунё деб аталган боғда,  
Тегрангда шамоллар тутади бода,  
“Шамол”лар домига тутса мобода,  
Сени қизғонишга ҳаққим борми, айт?

Аслида мен сенга шунчаки таниш,  
Меҳрим хаёлингдан топгай парвариш,  
Кўнглимда сезяпман, ажаб, қизғониш,  
Сени қизғонишга ҳаққим борми, айт?

Гарчи танлаб юрган йўлим бошқадир,  
Кўнглимда яшнаган гулим бошқадир,  
Севиб қолмиш, дема, дилим бошқадир,  
Сени қизғонишга ҳаққим борми, айт?!

На ўзингга ғамхорсан,  
 На севгимга ҳамкорсан,  
 Қанчалар ситамкорсан,  
 Жонон, сени севаман.

Ойсан, узиб бўлмассан,  
 Сойсан, сузиб бўлмассан,  
 Боғсан, кезиб бўлмассан,  
 Гирён сени севаман.

Очмай туриб кўзимни,  
 Айтмай туриб сўзимни,  
 Топмай туриб ўзимни,  
 Ҳайрон сени севаман.

Жодулисан, соҳирсан,  
 Маккорликда моҳирсан,  
 Кўрмасам хавотирсан,  
 Жайрон, сени севаман.

Бўлиниб тўрт фаслингга,  
 Интилдим ҳур васлингга,  
 Айланай деб наслингга,  
 Нолон сени севаман.

Жонон, сени севаман.

Бас, эй, дил, биз ерда яшайвераилик,  
Булутларга мафтун бўлаверма кўп.  
Тавбани алишиб гийбатларига,  
Беқарорлик кўзга ўқталмасин чўп.

Парвозлар истаги чорлар экан боз,  
Тонгларга покликдан тутайлик бода.  
Жисмимни туфроққа айлаб поёндоз,  
Мен қайтариб бергум жонни навога.

Кел, бирга асрайлик, жонни навода,  
Мушт бўлма, бағирни очгил дуога.  
Тобланиб ўтайлик илм-зиёга,  
Дунёда дунёдан дунёга...

## ЎТИНЧ

Мен бир кун кетарман нур бўлиб,  
Мендан қолган дунё куй бўлар.  
Босган изларимда гул униб,  
Чортоқда видоли тўй бўлар.

Розиман, деб айтинг ортимдан.

Мендан қолмас пул ё сийму зар,  
Қолса мендан фақат шеър қолар.  
Ҳаққа бориш бўлиб муяссар,  
Кофур тусда кўзларим қонар.

Розиман, деб айтинг ортимдан.

Энг ёруғ қисмат шу - фонийлик,  
Мен Ҳақни алишгум умримга.  
Бу олам сайри бир онийлик,  
Дил розин айтдим шеър-қумримга.

Розиман, деб айтинг ортимдан.

Йироқ бўлсин Сиз кетар кунлар,  
Шеърим билан қолинг диллашиб.  
Ҳаёт хўп кўрсатди ўйинлар,  
Мен ўтдим ризолик талашиб.

Розиман, деб айтинг ортимдан.

## МУНДАРИЖА

Муҳаррирдан.....	3
------------------	---

### Турғуной АББОС

#### БОШИМДАГИ КУМУШ ПАТЛИ КАПТАРИМ

Тилак.....	4
Қадим юртим.....	5
Онагинам.....	6
Кўнглим.....	7
Сандалим (бадиҳа).....	7
Соддалигим .....	8
Созим, яна янгра.....	9
Ҳар кеч ишдан хоргин.....	10
Қайтар дунё.....	11
Набирамга (мувашшаҳ).....	12
Бобур.....	13
Келинчак.....	15
“Сўнгги кўнгироқ” даги шеър.....	16
Само гард-ғуборсиз.....	17
Дуо.....	17
Кўнгил берган мардингда.....	18
Истак .....	19

### Носир АББОС

#### СИЗ МЕНГА ҒАНИМАТСИЗ

Шеърятнинг йўлига.....	20
Юрагимда бир исён.....	21



Ўзбекистоним.....	22
Онамга .....	23
Анвархон момонинг деганлари.....	24
Соғинч .....	26
Отам .....	27
Зоҳидахон Кенжаевага.....	28
Муюлишдаги бола(туркум).....	29
Ҳикмат.....	31
Рафиқамга (чин ва ҳазил).....	32
Орзуга айб йўқ.....	33
Насибага айтганларим.....	34
Сени севаман.....	35
Бас, эй дил.....	36
Ўтинч.....	37

ТУРГУНОЙ АББОС  
НОСИР АББОС

## ҚЎШ ИРМОҚ ҚЎШИҚЛАРИ

(Шеърлар)

Мухаррир:	Э.Нурматов
Мусаввир:	А.Дадабоев
Тех.муҳаррир:	Ю.Самадов
Бадий муҳаррир:	Н.Жабборов
Мусахҳих:	Х. Каримов

2000 йил 13.06 да теришга берилди. 2000 йил 13.07 да босишга рухсат этилди. Бичими 60x84 1/32. Ҳажми 1,25 басма табок. Офсет усулида газета коғозига босилди. Адади 1500 нусха. 5114—бўйртма. Баҳоси келишилган нарҳда.

“Наманган” нашриёти (Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, Матбуот уйи, 3-қават) компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Ибрат номли вилоят босмахонаси (Наманган шаҳри, Навоий кўчаси, 36-уй) да чоп этилди ва муқоваланди.



